

ЕНГИЛ ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШНИНГ ЖИНОЙИ ВА МАЪМУРИЙ ШАКЛЛАРИ

Кудияров Шарапат Солиевич

Тошкент шаҳар ИИББ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан
таъминлаш хизмати муҳим топшириқлар бўйича инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11103521>

Баданга етказилган шикастнинг хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш, одатда тиббиёт органлари ваколатига тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 1992 йил 21 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланган баданга етказилган шикаст оғирлигини суд-тиббий йўсинда белгилаш қоидаларига мувофиқ ўтказилади¹.

Шу сабабли баданга шикаст етказилган ҳар бир ҳолда Жиноят-процессуал кодекси 173-моддаси биринчи қисми 1-банди талабига кўра суд-тиббиёт экспертизаси тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлиб, унинг хулосаси суд томонидан қайд этилган қоидалар ва ишнинг бошқа материаллари асосида баҳоланади.

Енгил тан жароҳати етказганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 52-моддасида жавобгарлик белгиланган. Хусусан, у эҳтиётсизлик оқибатида етказилса – энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлса, қасддан содир этилиб, соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса – энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддасида ҳам қасддан баданга шикаст етказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Бордию қасддан баданга енгил шикаст етказиш соғлиқнинг қисқа вақт, яъни 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга

¹ <https://qashqadaryo.gov.uz/read/engil-tan-zharo-ati-etkazish-ma-murij-zhavobgarlikka-sabab-b-ladimi-joki-zhinoij>

ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотиш деганда, умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоизидан кўпини йўқотмасликни тушуниш лозим.

Баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни баҳолашда айбнинг шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек, ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланади.

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки хавфсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламаса-да, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, вилоятдаги маъмурий судлар томонидан 2023 йил давомида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 52-моддаси билан жами 31 719 та² маъмурий иш кўриб чиқилган.

Кўриниб турибдики, бу борадаги рақамлар анча юқори. Жавобгарлик эса тайин. Шу сабабли ҳар бир киши ўзини назорат қила олиши, қилмиши оқибатларини ўйлаб иш тутиши зарур.

Шу ўринда, Ўзбекистонда қасддан баданга энгил шикаст етказиш тўғрисидаги модда декриминализация қилиниши мумкин. Ички ишлар вазирлиги тегишли қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилганди.

Ҳужжатда Жиноят кодексининг 109-моддасини (қасддан энгил тан жароҳати етказиш) чиқариб ташлаш ва уни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси 3-қисмига (баданга энгил шикаст етказиш) ўтказиш назарда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда Жиноят кодексига кўра, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга

² <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01>.

йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ички ишлар вазирлигининг тушунтириш хатида таъкидланганидек, ички ишлар органлари томонидан 2018 йилда Жиноят кодексининг 109-моддаси (қасддан баданга енгил шикаст етказиш) бўйича 1512 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, шундан 311 таси (20.5%), 2019 йилнинг 10 ойида эса 771 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, шундан 122 таси (15.8%) тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилган³.

«Бугунги кунда аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу турдаги жиноят жиноят қонунчилигидан чиқарилиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг 2017 йил 3 июлдаги 84VI-сон Қонунига мувофиқ, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 108-моддаси (Қасддан баданга енгил шикаст етказиш) Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига 731-модда сифатида киритилган», — дейилади лойиҳада. Муҳокамалар 23 январгача давом этади.

Шу ўринда бюқоридаги лойиҳа ва хориж тажрибалиаридан келиб чиқиб, енгил тан жароҳати ҳуқуқбузарлигини МЖТКнинг 52-моддасида ўз аксини топса ЖКдан чиқарилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://qashqadaryogz.uz/read/engil-tan-zharo-ati-etkazish-ma-murij-zhavobgarlikka-sabab-b-ladimi-joki-zhinoij>
2. <https://stat.sud.uz/file/2024/31.01>.
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/15/decriminalization/>
4. Қушбоқов, Ш., & Самадов, М. (2023). Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими. Solution of social problems in management and economy, 2(13), 95-98.
5. Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. –М.: Проспект, 2017. – 304 с.;

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/15/decriminalization/>

- Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва:Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.
6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. Б.83.
7. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In Международная конференция академических наук (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).
8. Безручко Е.В. Уголовная ответственность за причинение вреда здоровью: дис канд. юрид. наук. – М., 2001. С. 33
9. Тищенко Е.В. Уголовно-правовая и криминологические характеристики умышленного причинения тяжкого вреда здоровью: дис. канд. юрид. наук.- Ростов н/Д., 2001.- С.45
10. Qushboqov, S., & Mamatova, D. (2023). yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'рни. current approaches and new research in modern sciences, 2(10), 37-39.
11. Тўйчиев А. Соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг тури сифатида қасдан баданга оғир шикаст етказиш тушунчаси ва унинг белгилари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 7-13
12. Qushboqov, S., & Tilabov, S. (2023). Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli. Science and innovation in the education system, 2(11), 45-47.
13. Бакунов П.Б. Қасдан баданга оғир шикаст етказиш жинояти / Ўқув қўлланма. Ташкент. 2010. Б.8
14. Қушбоқов, Ш., & Ҳосилжонов, М. (2023). Оилавий (маиший) зўравонлик ҳуқуқбузарлигини малакалашдаги муаммолар. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 2(9), 29-31.

